

**ЎЗБЕКИСТОН АҲОЛИСИНИНГ ЭКОЛОГИЯ ВА ТОЗА МУҲИТДА ЯШАШИ
ХОЛАТИДАГИ МУАММОЛАР****Гадоева Лобар Эргашевна**

Осиё халқаро университети “Тарих ва филиология” кафедраси доценти.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.14709676>

Аннотация. Ушбу мақолада Аҳолимизни экология маданиятига ва тоза муҳитда яшашига ўргатиши қатор муаммоларни келтириб чиқараётганлиги ва аҳолига санитария тозалаши хизмати қўрсатиш даражаси жуда пастлиги, Аҳолимизнинг экологияга оид қонунларга. Тартибларга риоя этиши кўнукмаси ҳам юқори эмаслиги ҳақидаги маълумотлар очиб берилган.

Калим сўзлар: Цивилизация, экология маданияти, глобал дунё, соф табиат, санитария гигиена, ландшафт, қурғоқчилик, замонавий инновациян, Орол денгизи.

**PROBLEMS OF THE POPULATION OF UZBEKISTAN IN THE STATE OF
ECOLOGY AND LIVING IN A CLEAN ENVIRONMENT**

Abstract. This article reveals that educating our population in ecological culture and living in a clean environment causes a number of problems, and the level of provision of sanitation services to the population is very low, and the ability of our population to comply with environmental laws and regulations is also not high.

Keywords: Civilization, ecological culture, global world, clean nature, sanitation and hygiene, landscape, drought, modern innovation, Aral Sea.

**ПРОБЛЕМЫ ЭКОЛОГИИ И ОБЕСПЕЧЕНИЯ ЭКОЛОГИЧЕСКИ ЧИСТЫХ
УСЛОВИЙ ПРОЖИВАНИЯ НАСЕЛЕНИЯ УЗБЕКИСТАНА**

Аннотация. В данной статье рассматривается тот факт, что воспитание у нашего населения экологической культуры и проживания в чистой окружающей среде вызывает ряд проблем, а уровень предоставляемых населению санитарных услуг очень низок, а также несоблюдение нашим населением экологических норм законы. Была выявлена информация, что способность следовать процедурам также невысока.

Ключевые слова: Цивилизация, экологическая культура, глобальный мир, чистая природа, санитария и гигиена, ландшафт, засуха, современные инновации, Аральское море.

Цивилизациянинг ривожланиши ва инсониятнинг табиатга таъсири тобора чукурлашиши оқибатида аҳвол янада ёмон томонга ўзгармоқда. Бугунги кунда ибтидоий соф табиат ҳақида гапирмаса ҳам бўлади. Чунки ер юзидағи бепоён ўрмонлар қирқилиб кетди, ката-катта худудлар дехқончилик қилиш мақсадида ўзлаштирилди, дорилар билан ўғитланди, тоза ҳаво ва табиат ҳар хил чиқинди ҳамда газлар билан ифлосланди. глобал

дунёда кузатилаётгани каби мамлакатимизда ҳам экология билан боғлиқ муаммолар долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Аҳолимизни экология маданиятига ва тоза муҳитда яшашга ўргатиш қатор муаммоларни келтириб чиқармоқда. Аҳолига санитария тозалаш хизмати кўрсатиш даражаси жуда паст Масалан, республикамизда 53% аҳолига санитария тозалаш хизматлари кўрсатилади, холос. Шундан атиги 15% хусусий сектор ҳиссасига тушади.

Аҳолимизнинг экологияга оид қонунларга. Тартибларга риоя этиш кўникмаси ҳам юкори эмас. Масалан, 1996 йилда табиатдан оқилона фойдаланиш тартибларини бузганлиги учун 12 мингдан зиёд мансабдор шахслар ва фуқаролар маъмурий жазога тортилган, улардан 5,3 миллион жарима ундириб олинган. Мутахассислар фикрича, атроф муҳитни муҳофаза қилиш ва аҳолига зарур тозалик, майший чиқиндиларни қайта ишлаш бўйича санитария хизматлари кўрсатиш бир қатор ижтимоий аҳамиятга эга чора тадбирларни амалга оширишни талаб қиласди. Уларга:

- 1) санитария гигиена аҳволи ва аҳолининг касалланиш даражсининг юкори эканлиги;
- 2) ер ресурларининг камайиши ва ортиқча эксплуатация қилинаётгани;
- 3) ландшафт генетик барқарорлиги ва мувозанатининг бузилишидир¹.

Ўзбекистон Евросиё материгининг марказий қисмида жойлашган, бу ҳудудда океан йўқ. Республикализ Жануб ва Шарқ томондан баланд тоғлар билан ўралган бўлиб, ҳудудининг 80% чўл ва чала чўллардан иборат. Ёзда қуёш нури таъсирида чўллар устида тропик тўзон ҳаво массаси шаклланади ва у атроф муҳитга хавф солади. Натижада қурғоқчилик кучаяди, сув танқислиги ошиб аҳоли саломатлигига салбий таъсир этади, ландшафт барқарорлиги ва мувозанатининг бузилишига олиб келади. Маълумотларга кўра, Қароқолпогистон Республикаси, Хоразм, Навоий, Жиззах, Сирдарё, Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида чўлланиш даражаси юкори. Умуман, Ўзбекистонда 22 миллион гектар ер чўлланишга мойил, мавжуд яйловларнинг 43% инқирозга учраб бўлган. Устига устак сугориладиган ерлар ҳам йилдан йилга қисқармоқда. Орол денгизининг қуриган ҳудудидан туз ва бошқа минерал моддаларнинг шамол орқали тарқалиши эса вазиятни табора мураккаблаштирумокда. Кейинги 50 йил ичida Орол денгизи йўқолиш арафасидадир² Ўзбекистонда замонавий технологияларга асосланган корхоналарнинг курилиши, майший хизмат турларининг кенгайиши билан бирга ён атрофга чиқиндилар ташлаш, кўча ва уй атрофларини булғаш каби ғайритибий ҳолатлар юзага келаётгани сир эмас. Умуман республикамизда ободонлаштириш, атроф муҳитни тозалаш муммога

¹ Қаранг: Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1999. Ташкент:Узбекистан, 2000. С. 73.).

² Турсунов С. Табиат муҳофазаси ҳаёт мамот масаласи//Халқ сўзи, 2018, 19 июнь.).

айланган. Аҳоли экология маданиятининг пастлиги республикамиз ҳукуматини маҳсус чора тадбирлар дастурини ишлаб чиқишига ва уни амалга оширига ундади. Бу ўринда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маиший чиқиндилари чора тадбирлари тўғрисида”ги Қарори (2018, 18май)ни эслаш лозим. Қарорда Ўзбекистонда атроф мухитни муҳофаза қилишни таъминлаш, табиий ресурлардан оқилона қойдаланиш, жойларда санитария ва экология ҳалатини яхшилаш борасида изчил сиёsat олиб борилмоқда. Қисқа муддатда қаттиқ майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга оширувчи инфратузилма шакллантирилди, умумий қувватйилига миллион тоннадан ошадиган майший чиқиндиларни қайта ишлаш қувватига эга кластерлар яратилди, санитария ва тозалик ишлари билан шуғулланувчи комплекслари ташкил этилди. Шу билан бирга, Қарорда, тегишли инфратузилмани қониқарсиз ҳолатга ва аҳоли пунктлари хизматлар билан тўлиқ қамраб олинишининг таъминланмаслигига олиб келувчи майший чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасида давлат хусусий шериклик етарли жорий этилмагани, майший чиқиндиларни қайта ишлаш тизими замонавий талабларга жавоб бермаслиги, аҳоли яшаш пунктларининг ифлосланишига сабаб бўлаётган полимер плёнкали материаллардан ҳаддан ташқари кўп фойдаланилаётгани, атроф мухитни бузганлик учун қонуний жавобгарликка тортиш яхши ташкил этилмагани, мамлакатдаги ҳақиқий санитария экологик ҳолатни баҳоловчи замонавий инновацион ва ахборот коммуникация технологиялари мавжуд эмас лиги кўрсатилади. Юзага келган салбий ҳолатларни бартараф этиш ва янги тизимни шаллантириш учун Давлат экология қўмитаси, худудларда майший чиқиндиларни тўпловчи пунктлар “Тоза худуд” ДУК ёки “Махсустранс” ДУК га беркитилди, маҳсус автоматлаштирилган ахборот тизими яратилди. Аҳолига атроф мухит ҳолати устидан жамоатчилик назоратини амалга ошириш имконини берадиган, мазкур соҳадаги ҳукуқбузарликлар тўғрисидаги фото ва видео материалларни жойлаштириш имкониятига эга бўлган маҳсус веб портални яратилди ҳамда ҳар бир хабар берилган ҳолат бўйича тезкор чоралар кўриштизими жорий қилинди. Мазкур чора тадбирлар атроф мухитни, аҳоли туарар жойлари кўркини тоза тутиш, зарали чиқиндилар таъсиридан кишиларни, айниқса тоза табиий мухитга муҳтоҷ ёш организмларни, болаларни асраш учун ўта муҳимдир. Мутахассисларнинг таъкидлашича, айнан заарли майший чиқиндилар, улар тарқатадиган сассиқ ҳид ва қумурсқалар, микроблар ёш организмга тез салбий таъсир кўрсатади, уларда аллергик, нафас олиш билан боғлиқ, ҳатто неврологик касалликларни келтириб чиқаради³. Аср вабосига айланган гиёҳвандлик инсоният ҳаётига, соғлигига катта хавф solaётгани учун халқаро ташкилотлар, айниқса

³Шапиро Б.М. и другие. Здоровий образ жизни. Алмати, Илим, 2003; Смотров Ю Ҳалокат ёқасида. Қарши:Насаф, 2010).

БМТ ташвишга тушиб, давлатларни унга қарши курашга чақирмоқда. Гиёхвандликдан келаётган даромадлар наркобизнеснинг авж олишига, бойлик орттиришга ўч кимсаларнинг ғайриқонуний ва ғайриинсоний йўлларни излаб топишга олиб келмоқда.

Инсон фаолияти таъсирида биосферанинг ўзгариши жуда тез кечмоқда.

Инсониятнинг табиий жараёнларга ана шундай таъсири натижасида XX аср ўрталарида экологик муаммолар авж олиб кетди. Бинобарин, экологик муаммолар аввало инсоннинг табиатга кўрсатаётган таъсирига бориб тақалади.

REFERENCES

1. Доклад о человеческом развитии. Узбекистан 1999. Ташкент: Узбекистан, 2000. С. 73.).
2. Турсунов С. Табиат муҳофазаси ҳаёт мамот масаласи//Халқ сўзи, 2018, 19 июнь.).
3. Шапиро Б.М. и другие. Здоровый образ жизни. Алмати, Илим, 2003; Смотров Ю Ҳалокат ёқасида. Қарши: Насаф, 2010).
4. Лобар Гадоева. Ижтимоий фаол авлодни тарбиялашда соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. Имом Бухорий сабоқлари журнали №3-сон , 2019 й. Б.142-144
5. Лобар Гадоева. Баркамол авлод тарбиясида соғлом турмуш тарзининг аҳамияти. “Узлуксиз маънавий тарбия шакллантиришда миллий ва умуминсоний қадриятларнинг аҳамияти ” Республика илмий –амалий (онлайн) конференция 2020 йил 30 май Б.219-225
6. Лобар Гадоева Соғлом турмуш тарзи учун этнотиббий маданиятнинг аҳамияти. Фалсафа ва ҳуқуқ журнали Тошкент -2019.- №2 -сон Б. 151-153
7. Гадоева Лобар Эргашевна. Соғлом турмуш тарзининг замонавий қарашларига оид бўлган тиббий модел. Ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда жамоатчилик таъсирини оширишнинг инновацион омиллари.(Республика илмий-амалий конференцияси материаллари) Жиззах 2021 й. Б.159-163
8. Гадоева Лобар Эргашевна **Соғлом оиласида меҳнатнинг аҳамияти.** медицина, педагогика и технология:теория и практика. Б. **705-709**
9. Гадоева Лобар Эргашевна **Ўзбекистон аҳоли сиҳат саломатлигини таъминлашга қаратилган ислоҳотлар** Медицина, педагогика и технология:теория и практика том 2, выпуск 5, 31 май.Б.**377-381**
10. Гадоева Лобар Эргашевна **Соғлом турмуш тарзига оид илмий ва назарий фалсафий қарашларда тарихий (антропогенез, этнология, этнография) йўналишнинг аҳамияти.** Медицина, педагогика и технология:теория и практика том 2, выпуск 9, 30 сентябрь. **Б.75-80**